

ДОИРА ЧОЛҒУ АСБОБИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА ЧАЛИШ УСУЛИ

Гулманов Ибадулло

Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10719042>

Аннотация. Халқ чолғу ансамбларининг пайдо бўлиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Муסיқачилик саънатида дастлаб урма зарбли чолғулар пайдо бўлган. Булар Ногора, чилдирма, довулча ва доиралардир. Қадим замонлардан то ҳозирги давримизгача бизга етиб келган доира чолғу асбоби ўзгармаган ҳолда сақланиб келмоқда.

Калим сўзлар: Доира, муסיқа асбоби, чилдирма, доира тарихи, санъат, маданият, урма чолғу, оркестр.

HISTORY AND PLAYING METHOD OF DOIRA MUSICAL INSTRUMENT

Abstract. The history of folk instruments goes back a long way. Percussion instruments first appeared in music art. These are the drum, the chindovul, the drums, the hurricane, and the doira. The doira, which has come down to us from ancient times to the present day, has remained unchanged.

Keywords: Doira, musical instrument, childirma, doira history, art, culture, percussion, orchestra.

ИСТОРИЯ И МЕТОД ИГРЫ ВАШЕГО ДОИРА ИНСТРУМЕНТА

Аннотация. История формирования народных музыкальных ансамблей уходит в далекое прошлое. Ударные инструменты впервые появились в музыкальном искусстве. Это барабаны, трещотки, вихри и круги. С древнейших времен и до нашего времени дошедший до нас круговой музыкальный инструмент остался неизменным.

Ключевые слова: Доира, музыкальный инструмент, погремушка, истории из доира, искусства, культуры, ударные инструменты, оркестр.

Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари қатори, ўзбек усуллари, яъни ритмик йўллари ва уларнинг ривожланиш усуллари алоҳида ўрин егаллайди. Чалиш усуллари қоида бўйича уриб чалинадиган муסיқа асбоблари ижросида қўлланилади. Енг кўп тарқалган урма зарбли муסיқа асбобларидан, Ўзбекистонда, Тожикистонда ва Уйғур халқларида ва шу билан бир қаторда, Шарқда ўзининг ширали овозига ега бўлган, муסיқа чолғу асбоби доира ҳисобланади. Доира ибораси баъзан «Дапп», «Чилдирма», «Чирманда» деб ҳам юритилади.

Хоразмда дапп, чилдирма ижрочини еса “Даппчи”-чилдирмачи деб айтадилар, Бухорода доирадаст, Фарғонада чирмандачи, Самарқанда еса доирачи деб юритилади. Ўзбек халқи қадимдан доира асбобини жуда ардоқлаб келган.

Ўтмишда бу асбобларнинг садолари остида халқни майдонларга, тўй-томошаларга, мусобақа курашларга ва ҳар-хил сайилларга чакирганлар. Жумладан: «Навруз байрами» «Ҳосил байрами», «Узум сайли», «Қовун сайли» ва шунга ўхшаш каби мавсумий байрамлар кенг тарқалган. Байрамларда, маданий маросимларда айниқса карнай, сурнай ва ногора, доира каби урма зарбли муסיқа чолғулари кенг қўлланилган. Буюк Шарқ мутафаккирларининг мероси, халқ чолғуларини ўрганиш соҳасида ҳам тарихий қимматга ега. Доира қадимий муסיқа чолғуларидан ҳисобланади. Марказий Осиё (Нисо шаҳри,

ерамиздан аввалги 2-аср)да топилган терракота ёдгорликларида доирачи аёллар тасвирланган. Доира ва унга яқин урма мусиқа чолғулари тожик, арман, озар, уйғурларда дап, дапп, дафф, деф деб номланади. 20-асрда ўзбек доира ижрочилик анъаналарини Уста Олим Комилов, Т.Иноғомов, Д.Соттихўжайев, Раҳим Исохўжайев, Ф.Азимов, Қахрамон Дадайев, О.Камолхўжайев, ака-ука Исломовлар, М.Орипов, Р.Отабойев, Т.Сайфиддинов, Р.Самадов ва бошқалар мукамаллаштирган.

Доиранинг асосий қисми (гардиши) ток занги, сўнгги йилларда заранг, акация, лўлиларда тол дарахтларидан ишланади. Гардишнинг ташқи томонига бузоқ, той ёки ечкининг ошланган териси қопланади. Ички томонига еса тамбуринникига ўхшаш маъдандан ишланган ҳалқачалар осилади. Доиранинг ҳалқасиз турлари ҳам мавжуд¹.

Гардиш диаметри 400—510 мм ни ташкил етади. Доирада товуш икки қўл бармоқлари ёрдамида ҳосил қилинади. Ундан яқка ижрода ҳамда турли хил миллий чолғу ансамблларида жўрнавоз чолғу сифатида фойдаланилади.

Доирани чалишда қўлланиладиган ритм бирликлари (нақралар) ҳақида қадимий манбаларда ёзилган. Доира усули одатда икки хил зарбдан иборат. Бири — бак (бака, бако, бакка, бакко). Бак доира гардишига яқин жойга урилганда чиқадиган товушдир. Иккинчи зарб — бум. Бумни чалиш учун бармоқларни чўзиб доиранинг ўртароқ қисмига урилади.

Доира (чилдирма, чирманда) – ўзбек, тожик ва уйғур халқлари орасида кенг тарқалган. Доира ансамбл ва яқка ҳолда ҳам ижро этилади. Доира жўрлигидаги рақслар ўзбек ва тожик халқлари орасида жуда кенг тарқалган. Шашмақом доира усулисиз ижро қилинмайди. Бухорода ҳар бир мақом айтувчи ҳофиз, мақом усулларини доирада усталик билан ўзлаштирганлар ва ўз ашулаларига жўр бўлганлар. Шашмақомдаги ҳар бир куйнинг ўзига хос усули бор. Шунга кўра, усуллар шу куй номи билан юритилади. Масалан: “Усули Муҳаммас” (Муҳаммас усули), “Усули Талқин”, “Усули Тасниф” ва бошқалар.

Шарқ халқларининг мусиқа меросида бўлгани каби, ўзбек халқ мусиқа меросида ҳам усул етакчи ва муҳим ўринни эгаллайди. Шу боис, ўтмишда яшаб ижод этган Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Ино, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Зойнилобиддин ал Ҳусайний, Мавлоно Кавкабий Бухорий, Дарвешали Чангий каби бир қатор улуғ алломаларимиз ўзларининг мусиқага доир рисоаларининг маълум бобларини усулларнинг назарий таҳлили ва тадқиқига бағишлаганлар. Гарчи, мусиқа ижрочилигимизда “Катта ашула”, “Бухорча”ларнинг даромад қисми, “Мавриги”ларнинг Шаҳд қисмлари усулсиз ижро этилса-да, мақом (Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари)ларимиз, мумтоз асарларимиз кабиларнинг барчаси доира усулининг жўрлиги асосида ижро этилиши табиий ҳолдир. Чунки, доира - мусиқа вазнини, унинг усул ривожланишининг бир меъёрда сақлаб турувчи асосий миллий чолғудир.²

Қолаверса, усул мусиқанинг пойдевори сифатида тартибга солишдан ташқари ижрочи ва тингловчи-томошабинларга завқ бахшида эта олувчи чолғудир. Дойрачиликнинг мусиқа ижрочилигидаги вазифаси ўта масъулиятли эканлиги ҳам барчамизга аён дидир. Шу

¹ <https://uz.wikipedia.org>

² О.Камолхўжаев, А.Ливиев Дира дарслиги Тошкент 1985 йил

боис мазкур созни ўрганиш, халқимиз орасида машҳур дойрачи сифатида ном чиқариш машаққати жуда оғирдир.

Доира санъатини ижро этиш мактабини шакиллантирган уста Олим Комилов 1930 йилларда илк бор ўзбек халқ усулларини мукаммалаштириб «Доира дарс» («Кўш қарс») китобини ёзган. Уста Олим Комилов томонидан ёзилган бу дарслик бора-бора мукаммаллашиб, рақс ҳаракатларига мослаштрилган усуллар натижасида йўқорида қайд этилган «Кўш қарс» кейинчалик «Доира дарс» деб номлана бошлаган. Доирачиларни таёрлашда республикамиздаги мусиқа билим юртлари ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бу ўқув юртларининг зиммасига йўқори малакали доирачиларни тарбиялаш, ўқув адабиётлари ва амалий қўлланмаларни таёрлаб бериш вазифаси қўйилган.

Гулманов Шукурлла биринчилардан булиб доира чолғу асбобини қорақалпоғистонга олиб келган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори Одил Камалхуджаевдан таълим олган шогирдлари Гулманов Ибодулла, Раҳманов Музаффарлар етишиб чиққан. И.Гулмановдан таълим олиб бугунги кунда ёшларга таълим ва тарбия бериб келаётган шогирдлари Бабажанов Дауранбек Нукус маданият мактабида доира фани ўқитувчиси, Жантйлеуов Тимур Есжан Бақсы номидаги 1-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи, Айтеков Тимур Қорақалпоқ давлат университети мусиқий таълим факултетида ўқитувчи, Шукуруллаев Санъатбек Тошкент шаҳридаги Лазги ашула ва рақс ансамблги доирачиси, Шукуруллаев Бегдулла Ўзбекистон давлат консерваторияси Чолғу ижрочилиги; зарбли чолғулар (доира) таълим йўналишида 2-босқич талабаси.

30 йиллардан сўнг доира усуллари, яъни "Бум" чизик остига "Бак" еса чизик устига ёзилиб, ижро этиладиган бўлди. Бу доира усулларини А.Ейхгорн, В.Лейсок, Н.Миронов, В.Успенскийлар бир нота чизик оралиғида нота йўлида ёзганлар. Доирани товуш баландлиги ноаниқ, яъни унинг териси қандай тортилганига қараб садо беради, аниқ бир нота, яъни товуш, овоз бир хил чиқмайди. Бум билан бак оралиғи кварта интервалига яқинроқ. Ижро ҳар хил усул билан келиши, бармоқлар ҳаракатида товушларнинг ўзгаришига олиб келади. Доира ижроси, ўнг қўл билан чап қўл ҳаракатига боғлиқ, доирани қайси йерига, гардиш ўртасига ё четига ёки бўлмаса гардишдан озгина ўртасига яқинроқ уриб қолиш, ўзига хос товуш чиқаради. Баъзан бармоқларга металдан ясалган нохун тақилиб чалинади.

Мана шунақа ижро этилган бум билан бумни, бак билан бакни фарқи жуда катта бўлади. XX асрнинг 50-60-йилларига келиб, доирани чалиш усуллари А.И.Петросянс томонидан ўзгартирилди, Тошкент экспериментал лабораториясида тасдиқланиб, кўпчилик мусиқашунос олимлар томонидан 4 қаторлик доира чалиш усули жорий этилди ва ҳозиргача қўлланилиб келинмоқда. Ҳар бир қўлнинг, яъни ўнг ва чап қўлларнинг овозлари товушлари алоҳида ёзилади.

REFERENCES

1. О.Камолхуджаев, А.Ливиев Дира дарслиги Тошкент 1985 йил.
2. Акбаров Ил. Мусиқа луғати Т., Санъат 1990 йил.
3. Кароматов Ф. Ўзбек чолғучилик мусиқаси. Москва., Музыка 1980 йил.

4. П.Мамутов А.Обеспечение профессиональными кадрами каракалпасского государственного театра //Проблемы современной науки и образования. – 2023. – №. 3 (181). – С. 104-111.
5. Pirnazarov S. M., Mamutov P. A. History And Development Of Karakalpak National Ethnogenesis //Eurasian Scientific Herald. – 2022. – Т. 7. – С. 193-195.
6. Pirnazarov S. M. Qaraqalpaq teatrini' professionalliqqa o'tiwinde da'slepki adimlar (1930-1939). Ilim hám jámiyet. 62-64-bet.
7. Pirnazarov S. M. A PERIOD OF FORMATION OF THE KARAKALPAK THEATRE (1922-1930). Science and Education in Karakalpakstan. 93-94-bet.